

ДИН ВА ИСЛОМ

Зокирова Раъно Ислом кизи

Бухоро вилояти Вобкент тумани, Исломшунос

Диннинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод туйғуси ётади. Дарҳақиқат, дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва руҳий-маънавий эҳтиёжларидандир.

Дин арабча сўз экани барчага маълум. Лекин дин тушунчасини тўлиқ англаб олиш учун, унинг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноларини алоҳида-алоҳида олиб танишиб, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Араб тилидаги манбаларда қайд этилишича, дин сўзи “(“ ”ان دانا”) феълидан ясалган бўлиб, “кимгадир бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ, кимдандир қарздор бўлмоқ, эътиқод қилмоқ, қилган ишига яраша мукофотламоқ”; “дийнун” сўзи эса, “дин, имон, ажр–мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ” каби маъноларни билдиради. Ўзбек тили луғат адабиётларида “дин” – ишонч, ишонмоқ, эътиқод, мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш маъноларини билдириши келтириб ўтилади.

«Дин» сўзи «итоат, парҳез, эътиқод, ҳисоб, ишонч, мукофот, ҳукм, йўл тутиш» деган маъноларни билдиради. Дин илоҳий йўл-йўриқлар, Аллоҳ таоло буюрган ҳукмлар, ибодатлар ва ақидалар мажмуидир. Дин ақлли инсонларни хайрли ва эзгу ишларга етаклайди, фақат яхшилиққа бошлайди. Ейиш, ичиш, ухлаш моддий эҳтиёж бўлганидек, дин ҳам маънавий эҳтиёждир.

Барча пайғамбарлар алайҳимуссалом даъват этган динларнинг асоси биттадир: пайғамбарлар инсонларни оламни ягона Аллоҳ таоло яратганига иқрор бўлишга ва фақат Унга ибодат қилишга даъват этишган. Улар етказган ҳукмлардагина фарқ бор, асосий даъватларида эса фарқ йўқ. Дунёда дини, ишончи бўлмаган бирор миллат ёки халқ йўқ. Чунки ҳеч бир миллат, халқ динсиз яшай олмайди. Динсизлик, Аллоҳга, Унинг ваҳийларига, охиратга ишонмаслик (яъни куфр келтириш) инсониятнинг энг катта кулфатидир. «Куфр» сўзи луғатда «инкор этиш», «рад қилиш», «беркитиш» маъноларини билдиради. Шаръий ҳукмларни инкор этувчи одам «кофир», унинг қилмишлари «кофирлик» дейилади. Аллоҳнинг борлигини ва бирлигини, Муҳаммад алайҳиссалом етказган хабарларни инкор, рад этганлар кофир саналади. Яна инсон ўзининг асл табиати тасдиқлайдиган ҳақ йўлни тан олмаса, ички туйғу ҳақиқатини беркитса, ҳақни беркитган бўлади.

«Ислом» – «бўйсунуш, тоат, ихлос, тинчлик, сулҳ» демақдир. Ислом тавҳид (яккаҳудолик) динидир. Аллоҳ таоло юборган барча пайғамбарлар инсониятни асоси бир динга – Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигига, Унинг китобларига,

фаришталарига, пайғамбарларига ва Қиёмат кунига иймон келтиришга, фақат Унга ибодат қилишга даъват этишган. Ислом динидаги кишилар «мусулмон-муслим» деб аталади. Ҳозир ер юзида салкам бир ярим миллиард нафар мусулмон бор.

Исломдан аввал туркий халқларнинг дин тушунчасини ифодалаш учун турли даврларда “drm”, “darm”, “nom” ва “den” каби сўзларни ишлатганлари маълум. Улардан “drm”, “darm” дин, ақида маъносида санскритча (қадим ҳинд тили) “dharma”дан (Пали тилида dhamma); “nom” дин ишонч, қонун маъносида суғд тилидан кириб келганлиги айтилади. Ўзбек тилидаги “дин” маъносини берувчи атамалар барча тилларда мавжуд. Жумладан, зардуштийларнинг манбаси “Авесто”да “дин” сифатида “daena”, қадимги форс паҳлавий тилида “den”, “din”, “dena”, “daena” сўзи ишлатилиб, «йўл», «мазҳаб», «маросим», «услуб», «тарз» каби маъноларни билдирган. Иброний тилида истифода қилинадиган «dath» сўзи «дин» тушунчасини ифодалаш учун умумий термин бўлиб, «хукм», «амр» ва «қонун» маъноларини англатган. Рус тилида дин маъносини англатадиган «религия» сўзининг келиб чиқиши борасида луғатларда бир қанча ёндашувлар келтириб ўтилган. Улардан баъзиларига кўра мазкур атама латинча «religio» сўзидан келиб чиқиб, «диёнат, диндорлик, тақводорлик, художўйлик, мўминлик, тақво, муқаддас нарса ёки жой, қадамжо, зиёратгоҳ, ибодат– топиниш– сиғиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар» деган маъноларни англатади.

Ислом дини ўз номи билан “тинчлик” динидир. Мусулмонларнинг шиори бўлмиш ўзаро саломлашув иборасида ҳам бир-бирларига тинчлик тилаш маънолари бор. Ислом динида нафақат мусулмонлар ўртасида, балки бошқа дин вакиллари билан ҳам тинч-тотув яшашликка тарғиб қилинган. Жумладан, Қуръони каримда:

لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ أَنْ تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

яъни: **“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар”**, дейилган (Мумтаҳани сураси, 8-оят).

Аллоҳ таоло бу ояти каримада мўмин-мусулмонларни бошқа миллат ва дин вакилларига яхши муносабатда бўлишга буюради ва уларга нисбатан адолатли бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, самарқандлик фақиҳ Абу Лайс Самарқандий “Баҳрул улум” номли тафсир китобида ушбу оят тафсирида: “Ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг”, деб қайд қилган.

Мовароуннаҳрлик машҳур муфассир Абул Баракот Насафий “Мадорикут танзил” асарида мазкур оят шарҳида: “Ўзга дин вакилларига эҳтиром кўрсатинг, уларга сўз билан ҳам, иш билан ҳам яхши муомалада бўлинг”, деб баён этганлар. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳабашистондан келган насроний

меҳмонларни ўз масжидларига туширганлар ва “улар бизнинг саҳобаларимизни ҳурмат қилган эдилар. Мен ўзим уларни иззат-икром қилишни хуш кўраман”, деб шахсан ўзлари уларга хизмат қилганлар. Шунингдек, У зот элчи бўлиб келган Нажрон насороларини ҳам ўз масжидларида ибодат қилишларига рухсат берганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан кейин ҳам, у зот бошлаб берган бошқа дин вакиллари билан яхши муомалада бўлиш анъанаси давом этди. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида Илиё аҳли насронийларига ўзлари сўраганларидан ҳам кўп имкониятлар берилган. Мана бу ҳам Ислондаги бағрикенгликнинг яққол намунасидир.

Тарихчилар Ҳорун ар-Рашид давридаги бағрикенгликни шундай изоҳлашган: “Масихийлар, яҳудийлар ва мусулмонлар ҳукумат ишларида бирга ишлар эдилар”. Халифа Маъмун ўз академиясига турли дин ва мазҳаб соҳибларидан бўлган олимларни тўплаб, уларга: “Илмдан нимани хоҳласангиз, баҳс қилаверинглар, фақат тоифачилик келиб чиқмаслиги учун ҳар ким ўз диний китобидан далил келтирмаса, бўлди”, – деган экан.

Ҳозирги кунда ўзларига динни ниқоб қилиб олиб, инсониятга қарши ваҳшиёна жиноятлар содир этаётган ҳар хил тоифадаги террористлар ҳаракати нафақат Ислон дини нуқтаи назаридан, балки бошқа динлар томонидан ҳам қораланади. Чунки, Аллоҳ таоло инсонларни ер юзида иннок, тинч, осойишта яшашларига, она заминни вайрон эмас, балки обод қилишга буюрган. Шундай экан, ундайларнинг бу манфур ишларидан Аллоҳ таоло ҳам норозидир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ

яъни: “Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Ушбу ояти каримадан кўриниб турибдики, Ислон дини инсонларнинг асли бир эканлигини таъкидлайди, шунинг учун уларни дунёда бир ота-онанинг фарзандларидек ҳаёт кечиришга чақирмоқда. Ислон динида биродарлик, яхши ишларда ўзаро ҳамкорлик қилиш, ёмон ва гуноҳ ишларда ҳамкорлик қилмаслик, хусни хулқ, ростгўйлик, самимийлик каби инсон камолоти учун зарур бўлган маънавий қадриятлар ўз ифодасини топган. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳам ўз рисолатлари моҳиятини ифодалаб:

إنما بعثت لأتمم مكارم الأخلاق

яъни: “**Мен фақат гўзал хулқларни тамомига етказиш учун юборилганман**”, деганлар (Имом Молик ривояти).

Ислом дини нуқтаи назаридан бағрикенглик тушунчаси жуда чуқур маъноларга эга. Диний бағрикенглик деганда, авваламбор, динда ҳеч қандай ҳараж ва машаққат йўқ, яъни диндор бўлишлик ҳамма учун ҳам қулай, динда ҳеч кимга тоқатидан ортик машаққатли иш буюрилмайди, деган тушунча ҳосил бўлмоғи лозим. Баъзи ўзларини диндор қилиб кўрсатишни хоҳловчи баъзи бир кимсалар ҳаддан ташқари такаллуфга берилиб, динда қатъий буюрилмаган, балки мустаҳаб бўлган амалларни маҳкам ушлаб, ўзларини қийнаб кўядилар. Бундайлар охир оқибат диндан бешиб қолишлари эҳтимоли бор.

Қолаверса, диний бағрикенглик деганда, динлараро муносабатларни яхшилаш, ўзаро ҳурмат ва эҳтиромни шакллантириш тушунилади. Муслмонлар назарида насроний ва яхудий динлари ҳам самовий, яъни Аллоҳ томонидан Унинг пайғамбарларига нозил қилинган диндир. Ислом динида эса, ўтган барча пайғамбарларга ва динларга ҳурмат назари билан қаралади. Қуръони каримда Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

فُولُوا أَمَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ

яъни: “Айтингиз (эй, мўминлар!): “Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Китоб)га, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусога, Исога ва (барча) пайғамбарларга Парвардигорларидан берилган нарсаларга имон келтирдик (ишондик).

Биз улар ўртасидан бирортасини (пайғамбар эмас деб) ажратиб қўймаймиз ва биз Унга (Аллоҳга) бўйин сунувчилармиз” (Бақара сураси, 136-оят).

Бизнинг кўпмиллатли диёримизда диний бағрикенглик ўз ифодасини топган. Барча дин пешволари ўзаро диний байрамларида бир-бирларини табриклаб ўзаро ҳурматларини бажо келтиришади. Табиийки, бу ўша дин вакилларида ҳам ижобий тушунчаларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012.
2. Ат-Термизий. Шамоили Мухаммадия / Сайид Махмуд Тарозий Алихонтўра таржимаси. Т.: «Меҳнат» нашриёти, 1991.
3. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2005.
4. Фалсафа қомусий луғати. –Т.: Шарқ, 2004.
5. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.: Тафаккур, 2009.